

**Journal of Social Research in Uzbekistan****JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**COURAGE AND BRAVERY OF OUR ANCESTORS IS A HIGH MODEL SCHOOL****O. Rajabov**

Lecturer

*Institute of Civil Protection of the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE****Key words:** Second World War, hero, Mikhail Giyasovich Fayazov, Victory Park, culture, Chust, Mingbulok.**Received:** 31.10.24**Accepted:** 02.11.24**Published:** 04.11.24**Abstract:** The article describes the heroism of Mikhail Giyasovich Fayozov, a participant in the Second World War, and his pre-war and post-war life activities. The article focuses on M. Fayozov's services to society.**АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МАРДЛИГИ ВА ЖАСОРАТИ- ЮКСАК НАМУНА  
МАҚТАБИ****O. Ражабов**

ўқитувчи

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти  
Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА****Калит сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, қаҳрамон, Михаил Гиясович Фаязов, Галаба боғи, маданият, Чуст, Мингбулок.**Аннотация:** Мақолада иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Михаил Гиясович Фаёзовнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари, урушгача бўлган ҳамда урушдан кейинги даврдаги ҳаёт фаолияти акс эттирилган. Мақолада асосий эътибор М. Фаёзовнинг жамият учун қилган хизматларига берилган.**МУЖЕСТВО И ОТВАГА НАШИХ ПРЕДКОВ – ВЫСШАЯ ОБРАЗЦОВАЯ ШКОЛА****O. Раджабов**

преподаватель

*Институт гражданской защиты МЧС Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Вторая мировая война, герой, Михаил Гиясович Фаязов, Парк Победы, культура, Чуст, Мингбулок.

**Аннотация:** В статье описывается героизм Михаила Гиясовича Фаёзова, участника Второй мировой войны, его предвоенная и послевоенная жизненная деятельность. Статья посвящена заслугам М. Фаёзова перед обществом.

---

Кириш. Инсоният тарихи – уруш тарихидир, дейдилар. Ҳар ҳолда, урушлар тарихи инсониятнинг ўз тарихи каби жуда қадимий. Кўхна тарих давомида, бўғунги олимларнинг фикрича, 15 мингдан ортиқ уруш бўлиб ўтган. Бу урушлар 3,5 миллиард инсоннинг ёстиғини қуритган.

Тарихчиларнинг ҳисоб- китобларига қараганда, кейинги 5,5 минг йил мобайнида одамзод атиги 300 йилгина тинч – осойишта яшай олган. Иккинчи жаҳон уруши ва улуг ватан урушига ғалабасига улкан ҳисса қўшган кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг жасорати ва матонати ҳеч қачон унутилмаслиги, жасур аجدодларимизнинг хотириси абадийлаштирилиши йўлида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган эзгу амаллар тараннум этилди.

Манбалар шаҳри. “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир” деб такилаб ўтган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев.[1] Шу тарихий фикрлардан келиб чиқиб, Совет иттифоқи Қаҳромони Михаил Фаязов ҳақид тухталиб ўтмоқчиман.

Тадқиқот таҳлили ва натижалари. Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманида Мудофаа бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилиб юрган вақтимда, агар бўш вақт топсам иложи бўлса оила аъзоларим билан Чуст шаҳрида жойлашган истироҳат боғига зиёратга ва дам олиш учун келар эдим. Истироҳат боғига боришдан олдин машинани маҳаллий ҳокимиятнинг яқинидаги автотураргоҳга қуйиб, бозорга кириб озгина бозорлик қилиб оила аъзоларим билан боғгача пиёда тушиб борар эдик.

Ўша даврларда шаҳар ҳокимлигидан то истироҳат боғгача тушиб борадигон кўча кўп йиллар Михаил Фаязов номи билан юритиб келинган эди. Бу кўчадан юрган ҳар қандай инсонда, шунингдек менинг ёш қизиқувчан фарзандларимда ҳам “Михаил Фаязов ким бўлган, нега исми русча-ю фамилияси ўзбекча?” деган савол туғилган бўлиши табиий ҳол эди.

Шунда мен болаларимга шундай жавоб берар эдим, мен ёшлигимда 1979- йилнинг март ойининг ўрталарида ҳарбий билим юртига ўқишга кириш мақсадида ҳужжатлар тайёрлаб юрган бир пайтимда, ҳужжатлар тайёр бўлганидан сўнг Чуст туман ҳарбий комиссариютига бориб, бўлим бошлиғи майор Раҳмонжон Каримовга учраб, у киши билан бирга туман ҳарбий

комиссари подполковник Ҳошимжон Кўпайсиновни олдига кирдик. Кўпайсинов мени кўриб жуда илиқ кутиб олдилар, чунки тоғам ўша даврларда генерал-майор Сотволди Эргашев Республика ҳарбий комиссари лавозимида хизмат қилар эдилар.

Мени Ҳошимжон ака хоналарида қора костюмда кўкрагида юлдузли орден тақиб ўтирган инсонга бу йигит генерал Сотволди ака Эргашевни жияни бўлади, бу ҳам тоғаси сингари Ватан ҳимоячиси, яъни, офицер бўлмоқчи деб таништирдилар, ўша ўтирган инсон мен билан илиқ сўрашиб, мени тоғамни яхши билишини, чунки, урушдан кейин Чустда ҳарбий комиссариатда ишлаб юрган пайтларида мени тоғам Попда ҳарбий комиссариатда хизмат қилганларини ва иккилари ҳам уруш қатнашчилари эканлигини, ўша пайтларда туманларда докторларни етишмаслиги сабабли кўпинча тоғанг армияга чақирувчиларни тиббий кўрикдан ўтишга Чустга олиб келганликларини айтдилар. Яна 1965 йилда Болгария давлатидан шу давлатни немис фашистлари зулмидан озод қилишда иштирок этган уруш қатнашчилари билан учрашиш учун Чуст шаҳрига келган меҳмонларни тоғанг ўша пайтларда полковник Эргашев билан биргаликда кутиб олганларини эслаб ўтдилар ва отамни саломатлигини сўраб, менга омадлар тилаб, биз билан хайрлашиб чиқиб кетдилар, майор Раҳмонжон Каримов меҳмонни ўзи кузатиб қўйишини айтиб унинг ортидан кузатиш учун кетди.

Шундан сўнг мен Ҳошимжон акадан сўрадим бу инсон ким бўлади, қаердан мени отамни ва тоғамни яхши билади деб савол бердим, улар менга бу инсон Совет итфоқи қаҳрамони Михаил Гиясович Фаязов бўладилар деб айтди, шунда мен қизиқиб савол бердим? нега унинг исми русча-ю фамилияси ўзбекча деб?

Улар менга уларнинг асли исмлари Мамашариф, бу инсоннинг оталари Мирфаёз хожи ота Чустлик бўлиб, илмли, ўша даврларда ўз дунёқарашига эга, дин пешволаридан бўлган. Улар ўтган асрнинг бошларидаги болшевик, коммунистлар томонидан таъқибга учраб, Қозоғистон Республикасининг Жамбул вилоятига қўчиб кетган.

1936 йилнинг ўрталарида Жамбул шаҳрининг марказий бозорида, бир неча мусулмонлар пешин номозини адо этиш мақсадида бир жойга йиғилган пайтларида, болшевиклар томонидан қўлга олиниб ўша куннинг ўзидаёқ айбловсиз, судсиз шаҳар чеккасидаги Биби ойша зиёратхонаси яқинида отиб ташланганлар. Шу боис Мамашариф ота 1925 йилда ўша ерда туғилган ва деярли 11-ёшларидаёқ отасиз етим қолганлар. Оналари Солиҳа ая бегона юртда ёлғиз ўзлари Мамашарифни ватанга садоқатли, халол, пок инсон қилиб тарбиялайди.

Мамашариф ота ёшлигиданоқ Ватан ҳимоячи бўлишни орзу қилади, мактабда яхши ўқиши ва жисмонан ҳаракатчанлиги билан синфдошлари ўртасида ажралиб туради. Иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда Мамашариф 16 ёшли йигит эди, 1942 йилнинг боҳор ойларида у ҳозирги сен ўқишга кирмоқчи бўлган Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим

юртига ўқишга юборилади. Аммо ўқишни тамомламасдан фронтга жўнатилади. Натижада Мамашариф Фаязов взвод командири сифатида 1943 йилнинг бошларида жангга киради.

Албатта, урушда взводни бошқаришда унга ҳарбий билим юртида олган сабоқлари жуда асқотади. Бироқ жанг беталафот бўлмайди деганларидек, Мамашариф 1943 йилда оғир яраланади. Даволаниб чиққач, у 2-Украина фронтининг 78-ўқчи дивизиясида рота командири сифатида урушни давом эттиради. Мазкур фронтда кўрсатган жасорати учун “Жанговар қизил байроқ” ва “Ватан уруши” орденлари билан тақдирланади [2].

1944 йил совуқ октябр кунларида Мамашариф Фаязов ҳаётида унутилмас воқеа юз беради. Днепр дарёси ёқасидаги жангда у украин миллатига мансуб куролдош дўсти Михаил Олейник билан окопда ётганда, тепадан ўқ ва снарядлар учиб турган пайтда Михаил Мамашарифга шундай дейди, мен энди 19-ёшга кираман, болалар уйида катта бўлганман, на бирор якин инсоним на фарзандим бор шунинг учун урушда ўлиб кетсам мендан деярли ҳеч вақо қолмайди деб, шундай таклифни ўртага ташлайди:

– Агар жангда қай биримиз олдин ҳалок бўлсак, тирик қолганимиз ўлганнинг исмини оламиз. Токи бу ҳаётдан ном-нишонсиз кетмайлик. Мамашариф ҳам онасининг ёлғиз фарзанди бўлганлиги сабабли дўстини таклифини қабул қилади, Михаил Олейник агар тирик қолса Жамбул шаҳрига бориб дўстининг онасини топиб унга ғамхўрлик қилишга ваъда беради.

Эндигина 19 ёшга кирган кадрдонидан бу гапини эшитиб, Мамашариф тўлқинланиб кетади, у ўз розилигини билдириб, Михаил Олейникни бағрига босади. Орадан кўп ўтмай, Михаил Ясса атрофидаги жанглارнинг бирида оғир яраланиб, туғишганидек бўлиб қолган ўзбек кадрдони кўлида жон беради. Мамашариф Фаязов эса ваъдасига биноан ўз исмини “Михаил” деб ўзгартиришни сўраб, кўмондонликка мурожаат қилади. Албатта, икки йигитнинг кадрдонлиги кўмондонликка ҳам яхши маълум эди. Шу тариқа Мамашарифга “Михаил Гиясович Фаязов” деган ҳарбий билет ва партия гувоҳномаси берилади, урушдан кейин фуқаролик паспортини ҳам шу тарзда расмийлаштиради [3].

Энг муҳими, у дўсти учун душмандан қасос олади. 1945 йил 22 январ кунини тонгги соат 04:00 ларда собиқ иттифоқ аскарлари Одер дарёсини кечиб ўтиб, фашистларни ўққа тутди. Шунда Михаил (Мамашариф) битта немис генералини, бир нечта офицер ва аскарларини асир олади. Гап шундаки, ўша генералнинг кўлида галдаги немис фашистларининг хужуми режалари ва бошқа қимматли ҳарбий маълумотлар бор экан. Ана шу буюк хизматлари эвазига Михаил Гиясович Фаязов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони “Олтин юлдуз” ва “Ленин” ордени билан тақдирланади [4].

Ҳарбий комиссариат вакиллари Мамашариф номи билан урушга бориб, Михаил исми билан қайтиб келган ўзбек ўғлони Фаязовни Қозоғистоннинг Жамбул шаҳридан топишади ва уни Москва шаҳрига таклиф этишади.

Москва шаҳрининг Кремл биносида унга давлат мукофотлари шахсан собиқ иттифок олий Совети президиуми раиси Михал Шверник томонидан олтин юлдуз ва Ленин ордени топширилади. Бундан кўп ўтмай қахрамонимиз ўша Жамбул шаҳрида уйланиб, 1947 йилнинг бошларида Ота юрти бўлган Чуст шаҳрига келиб ҳарбий комиссариатда ўз хизматини давом эттира бошлайди [5].

1948 йилнинг охирларида уруш майдонларида олган жароҳатлари туфайли Михаил Фаязов ҳарбий хизматни давом эттира олмайди, ҳарбий хизматдан саломатлиги туфайли кетишга мажбур бўлади.

Ҳарбий хизматдан сўнг у Чуст туманининг Гова қишлоғидаги болалар уйига раҳбарлик қилиб, уруш даврида етим қолган болаларнинг бошини силайди ва уларга отасидек ғамхўрлик қилиб тарбиялайди. Кейинги йилларда нафақага чиққунга қадар Чустдаги мактаб-интернат директори, шаҳар ижрокимитети раисининг ижтимоий масалалари бўйича муовуни вазифаларида меҳнат қилган. Михаил Фаязовнинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлган [6].

Бугун Чустда Фаязовлар оиласини барча ҳурмат қилади, уларнинг икки нафар ўғли ва олти нафар қизлари бор, уларнинг барчалари оталари каби юртга фидойилик билан хизмат қилмоқда, деб ўз сўзларини яқунладилар Ҳошимжон ака.

Ҳошимжон ака Кўпайсинов билан бўлиб ўтган мана шу суҳбатдан кейин менинг келгуси ҳаётимда қайси касбни танлашимга ва ким бўлишимга ҳеч қандай шак шубҳа қолмади.

Вақтлар ўтиб мен кунларнинг бирида бир яқин акахоним Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Мансурхон Иномхонов орқали марҳум қахрамон Михаил отанинг катта ўғиллари Азамат Михайлович билан учрашишга муяссар бўлдим ва улар билан ота-боболаримизнинг қахрамонликлари, улардан қолган маданий мерослар ҳақидаги ўчмас хотиралар мавзусида суҳбатлашдик. Азамат аканинг оталари бизнинг қахрамонимиз 1990 йилда, 65-ёшларида вафот этган эканлар, ўғилларнинг айтишида ўша фронтда олган жароҳатлари ҳаётларининг сўнги кунларигача ўз таъсирини кўрсатган экан.

Михал Фаязовнинг катта ўғиллари Азамат Михайлович кўп йиллар Ўзбекистон Республикаси президентининг марказий аппаратида турли лавозимларда, Чуст тумани, кейинроқ Чуст шаҳри ҳокими лавозимида хизмат қилиб ватанимизнинг ривожланишига, ҳалқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига катта ҳисса қўшиб ҳалқимиз орасида ҳурмат қозондилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларинг кўрсатган қахрамонликларини абадийлаштириш борасида жудаям катта ташкилий ва амалий ишлар олиб борилмоқда [7]. Хусусан, пойтахтимизнинг марказида Ғалаба боғи барпо этилди, биринчи ўзбек генерали Собир Рахимовнинг номи тикланиб унга шу боғда ҳайкал ўрнатилди, Ҳалқлар дўстлиги саройи ва метросининг номи тикланди, уруш даврида етим қолган 14 нафар етим болаларни ўз бағрига олиб вояга етказган ўзбек оиласига қўйилган ҳайкал ўз ўрнига қайтарилди.

Шунингдек, Республикаимизнинг барча вилоят ва туманларида кўплаб ёдгорликлар барпо этилди. Кейинги йилларда немис фашизми устидан қозонилган буюк ғалаба байрами ҳам Республикаимизда кенг кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Хулоса. Ўйлайманки бизнинг ўзбек ўғлонимиз, буюк отахонимиз, қахрамонимиз, ғуруримиз ва фахримиз бўлиб қолган Михаил (Мамашариф) Фаязовни номини қайта тиклаб, Чуст шаҳрининг бирорта кўчасига ёки ўзлари бошқарган болалар уйига қўйсақ, бу бизнинг келгуси йилда нишонланадиган немис фашизми устидан қозонилган буюк ғалабанинг 80-йиллигига қўшган катта ҳиссамиз бўлиб қоларди.

Ғалабага муносиб ҳисса қўшган Михаил Гиясович Фаязовнинг жасорати эса ёшларни ватанпарварликка ундаётгани шубҳасиз деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акмал Саидов. Ғалаба боғи фалсафаси. Тошкент-2021 йил. 7- 158 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9-сентябрдаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4820 қарор
3. Ўзбек совет энциклопедияси-11 текислик-фазлий, Тошкент-1978, 678-бет.
4. Герои Советского Союза: Краткий биографический словарь в двух томах. – Москва: Воениздат, 1987-1988.
5. Павлов И.Т. Герои Советского Союза: Краткий биографический словарь в 2 томах. Том 2. – Москва: Военное издательство,1988.
6. Мурод Калонхон. Жонажон армиям ёхуд ҳеч ким унитилмайди, Тошкент-2022, 43-50 бетлар.
7. Жамолитдин Муслим, “Унитилмас сира жасоратимиз”, Наманган нашриёти-2015, 7-бет.